

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил февраль ойининг 3 кунини, Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Хабибуллаев,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров ва Ш.Назировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси С.Қобуловнинг котиблигида, Андижон вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Муратов, судланган З.Маматқодиров, ҳимоячи Ғ.Абдиллаев, фуқаровий даъвогарнинг вакили Ф.Каримовнинг иштирокида, З.Маматқодиров ва бошқаларга оид жиноят ишини судланган З.Маматқодировнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2024 йил 25 октябрдаги ҳукмига кўра:

1968 йил 27 июлда Марҳамат туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, ишламайди, олти нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг 2004 йил 29 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан 1.620.000 сўм жарима жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг 2009 йил 24 февраль кунги ҳукмига кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 59,61-моддаларига асосан 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 7.512.000 сўм жарима ва 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2009 йил 16 октябрдаги ажримига кўра, жарима жазоси ЖК 44-моддасига асосан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, шу суднинг 2011 йил 7 июндаги ажримига кўра, ЖКнинг



73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 1 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

3) жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг 2012 йил 3 мартдаги ҳукмига кўра, унга ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги амнистия ҳақидаги қарорга асосан тугатилган;

4) жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани судининг 2013 йил 17 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари, 208-моддаси, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 45,59,61-моддаларига асосан 1 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони тўлиқ ўтаган;

5) жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг 2019 йил 15 май кунги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,в,г” бандлари, 28,209-моддаси 1-қисми билан ЖК 59-моддасига асосан 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2020 йил 26 май кунги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖК 73-моддасига асосан шартли равишда озод этилган;

б) жиноят ишлари бўйича Булокбоши тумани судининг 2023 йил 31 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖК 59-моддасига асосан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазонинг 1 йил 8 оyi ўталмаган, “Netal Kondr” МЧЖ раҳбари, Марҳамат тумани, “Пахтакор” МФЙ, Соҳибкор кўчаси 9-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган Маматқодиров Зоҳиджон Шермаматовичга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59-моддасига асосан жиноятлар мажмуи бўйича иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 60-моддасига асосан ҳукмлар мажмуи бўйича иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 9 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани эътиборга олиниб, АТБ “Ипотека банк”нинг Андижон вилояти прокуратураси депозит ҳисоб-рақамида сақланган 245.734.340 сўм Андижон вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси ҳисоб-рақамига ўтказиш белгиланган.

Мазкур ҳукм билан А.Нуралиев ҳам судланган бўлиб, апелляция шикоятни келтирилмагани ёки протест билдирилмагани сабабли, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган З.Маматқодиров “Netal Kondr” МЧЖ раҳбари ҳисобланиб, Андижон тумани, “Дўнгқишлоқ” МФЙ ҳудудида жойлашган 21-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини реконструкция қилиш ишларида буюртмачи “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси билан пудратчи, Мархамат туманида рўйхатдан ўтган “Netal Kondr” МЧЖ ўртасида 2022 йил 13 июлдаги 128-сонли пудрат шартномаси ҳамда 2023 йил 16 февралдаги 3/128-сонли қўшимча келишувга асосан, Андижон тумани, “Дўнгқишлоқ” МФЙдаги 21-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини реконструкцияси бўйича умумий қиймати 3.923.812.000 сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланганидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш мақсадида “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясида лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш объектларини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси А.Нуралиев билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, шартномага асосан пудратчи “Netal Kondr” МЧЖ томонидан объектда белгиланган таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилмагани ҳолда, 2023 йил 13 ноябрь ҳолатига амалда бажарилмаган бўлса-да, гўё-ки 3.923.812.000 сўмга ёки 100,0 фоизга бажарилганини кўрсатиб, Форма-2 ва Форма-3 тўлов ҳужжатларини тузишиб, ушбу ҳужжатларга амалда бажарилмаган 348.292.726 сўмлик ишларни бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб тақдим этишиб, буюртмачи “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан пудратчи “Netal Kondr” МЧЖ ҳисоб-рақамига жуда кўп миқдордаги 348.292.726 сўм пул маблағларини олдиндан ўтказишга эришиб, текшириш қунига қадар ўтказилган пул маблағларига нисбатан бажарилиши лозим бўлган ишларни бажармай, уларга ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилганлар.



Судланган З.Маматқодиров апелляция шикоятда, ҳукмнинг жиноят оқибатида етказилган зарарни йўналтириш қисмидан норози бўлиб, прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 245.734.340 сўмдан 196.191.000 сўмни ўзига қайтаришни, қолган қисмни Андижон вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига йўналтиришни сўраган.

Судланган А.Нуралиев ва фуқаровий даъвогарнинг вакили Ф.Каримовлар ўз эътирозномасида, шикоят билан танишгани ва эътирози йўқлигини билдиришган.

Апелляция инстанция суди, иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Назировнинг маърузасини, судланган З.Маматқодиров, химоячи Ғ.Абдиллаев, фуқаровий даъвогарнинг вакили Ф.Каримовнинг шикоятни қаноатлантириш, бўлим прокурори Ш.Муратовнинг апелляция шикоятни қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди, иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, З.Маматқодировнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди мажлисида унинг иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўралган судланган А.нуралиев, фуқаровий даъвогарнинг вакили Ф.Каримов, гувоҳ З.Тиллабоевнинг кўрсатувлари, назорат ўлчов далолатномаси, илова қилинган ҳужжатлар, маълумотномалар, қалбакилаштирилган Форма-2 ва Форма-3 ҳисоб-фактуралари ҳамда иш бўйича тўпланган далиллар йиғиндиси билан исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган ҳужжатларни қалбакилаштириб, улардан фойдаланиб, ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 165-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилган, З.Маматқодировга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, жиноятнинг хусусиятини ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жазони барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини, етказилган зарар қопланганини эътиборга олиб, қонун санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Зеро, 2023 йил 30 апрелда референдум орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 1-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир



чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши;

ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш, маҳкум, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.

Апелляция инстанция суди, судланган З.Маматқодировнинг жиноят оқибатида етказилган зарарни йўналтириш қисмидан норози бўлиб, прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 245.734.340 сўмдан 196.191.000 сўмни ўзига қайтаришни, қолган қисмни Андижон вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига йўналтириш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг **283-моддасида** айблов ҳукмини чиқаришда, суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантириши, ёхуд уни қаноатлантиришни рад этиши, даъвонинг ҳажми жиноят тавсифига ва айбдорга жазо чораси тайинлашга таъсир этмаса, фуқаровий даъвони қаноатлантиришда суд даъво талаби чегарасидан чиқишга ҳақлилиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 10-бандида судлар ҳукм чиқаришда ҳукмнинг фуқаровий даъво қисмини ЖПК 468, 470-моддалари талабларига сўзсиз риоя қилган ҳолда ҳал қилишлари лозимлиги, ушбу талабларни эътиборга олиб, суд ҳукмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад қилиш сабабларини асослантириши, даъвогар талаблари қаноатлантирилган тегишли миқдорини кўрсатиши лозимлиги, фуқаровий даъвони қаноатлантирилиши ёки рад этилиши юзасидан суднинг қарори асослантирилиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этиб ўтилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига етарли риоя қилмасдан, жиноят иши бўйича етказилган зарарни қоплаш учун АТБ “Ипотека банки”нинг Андижон вилояти прокуратураси депозит ҳисоб-рақамига топширилган 245.734.340 сўмни Андижон вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси ҳисоб-рақамига ўтказишни кўрсатиб, судланган З.Маматқодировнинг важлари, кўрсатувлари ва иш ҳужжатларини тўлиқ текширмасдан, хатога йўл қўйган.

Судланган З.Маматқодиров апелляция инстанциясида, Марҳамат тумани “Netal Kondr” МЧЖ раҳбари ҳисобланиши, Андижон туманида 21-сонли МТТда мукамал таъмирлаш ишларини амалга оширилгани, текширувда ишлар қўшиб ёзилгани аниқлангани, назорат ўлчови бўйича эътирозлари йўқлиги, ҳақиқатдан ҳам, ўзи ишларни Форма-2 ва Форма-3 ҳисоботларга қўшиб ёзгани, етказилган зарарни қоплаб бергани, прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўланган 245.734.340 сўмдан 196.191.000 сўм ўзига қайтарилиши лозимлиги, чунки пудрат шартномасига асосан жамиятига тўланиши лозим бўлган беш фоизлик 196.191.000 сўм



молиялаштириб берилмагани, бу ҳақда инжиниринг компанияга бир неча маротаба мурожаат қилгани, бироқ натижа бўлмагани, биринчи инстанция судида ўзи ва фуқаровий даъвогарнинг вакилининг шу ҳақдаги кўрсатувлари инобатга олинмагани, шикоятини қаноатлантириб беришни сўраган.

Фуқаровий даъвогарнинг вакили Ф.Каримов апелляция инстанциясида, Андижон вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК буюртмачилиги асосида “Netal Kondr” МЧЖ томонидан Андижон тумани 21-сон МТТ бино ва иншоотларини реконструкция қилиш юзасидан 2022 йил 13 июлда 128-сонли 3.970.197.227 сўмлик шартнома тузилгани, қўшимча келишувга кўра 3.923.812.000 сўмга ўзгартирилгани, жамият шартнома шартларига асосан 100% яъни 3.923.812.000 сўмлик иш бажарилгани тўғрисида ҳисоботларни топширгани, компания томонидан ҳисоботларга монанд 3.727.621.000 сўм молиялаштирилгани, 196.191.000 сўм ҳақдорлиги қолгани, 2024 йил 15 августда ўтказилган назорат ўлчовида 245.724.240 сўм бажарилмаган иш ҳажмлари аниқлангани, жиноят иши бўйича зарарни қоплаш учун вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига “Обод диёр Тошкент” МЧЖдан 201.879.340 сўм ўтказилгани, 43.855.000 сўм судланган З.Маматқодиров томонидан нақд пул шаклида тўлангани, компаниянинг даъвоси йўқлиги, 5 фоиз компания олиб қолган кафолатли сумма компания томонидан қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бош 12 ой давомида тўлаб берилиши лозимлиги, объектни давлат қабул ҳайъатининг қурилиш реконструкция ишлари тугалланган объектни ишлатишга қабул далолатномаси 2023 йил 20 октябрда расмийлаштирилгани, кафолат муддати 2024 йил 20 октябрда тугагани, муддат тугагани сабабли 2025 йил 10 январда “Netal Kondr” МЧЖ компаниядаги ҳақдорлигидан 196.191.000 сўм сингиштирилиши ҳақида далолатнома тузилгани, сингиштирилган сумма пудрат ташкилотининг ҳақдорлиги бўлиб, бюджетга қайтарилгани учун вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамидаги 201.879.340 сўмдан 196.191.000 сўм қисмини “Netal Kondr” МЧЖга, қолган қисмини Андижон вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУКнинг белгиланган ҳисоб рақамига ўтказишни сўради.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан аниқланишича, Андижон вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК ва “Netal Kondr” МЧЖ томонидан Андижон тумани 21-сон мактабгача таълим ташкилоти бино ва иншоотларини реконструкция қилиш юзасидан 2022 йил 13 июлда 128-сонли 3.970.197.227 сўмлик пудрат шартномаси тузилган, объектни давлат қабул ҳайъатининг қурилиш реконструкция ишлари тугалланган объектни ишлатишга қабул далолатномаси 2023 йил 20 октябрда расмийлаштирилган, кафолат муддати 2024 йил 20 октябрда тугаган, 2025 йил 20 январда “Netal Kondr” МЧЖнинг компаниядаги ҳақдорлиги юзасидан солиштирма далолатнома тузилган.



Шу сабабли, апелляция инстанция суди шикоятдаги шу хусусидаги важларни асосли деб топиб, ҳукмнинг даъво қисмини ўзгартиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497²⁶-моддаси 1-қисмининг 7-бандига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди жиноят ишени кўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгартиришга ҳақлидир.

Қайд этилганларга кўра, апелляция инстанцияси суди З.Маматқодировга нисбатан чиқарилган суд ҳукмининг даъвога оид қисмини ўзгартириб, АТБ “Ипотека банки”нинг Андижон вилояти прокуратураси депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган 245.734.340 сўмдан 49.543.340 сўмни Андижон вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси ҳисоб-рақамига, 196 191 000 сўмни Марҳамат тумани “Netal Kondr” МЧЖга қайтаришни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, шикоятни қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 495, 497¹⁷-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Маматқодиров Зоҳиджон Шермаатовичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2024 йил 25 октябрдаги ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилсин.

АТБ “Ипотека банки”нинг Андижон вилояти прокуратураси депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган 245.734.340 сўмдан 49 543 340 сўм Андижон вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси ҳисоб-рақамига, 196.191.000 сўмни Марҳамат тумани “Netal Kondr” МЧЖга қайтарилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Хабибуллаев

Ҳайъат судьялари

Ф.Собиров

Ш.Назиров

